



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2012-yil, 9-avgust. Payshanba 95 (31.527) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Фракция йиғилиши



САЙЛОВ ТИЗИМИГА ОИД

қонун ҳужжатлари янада такомиллашмоқда

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА «САЙЛОВ ЭРКИНЛИГИНИНГ БУНДАН БУЁН ҲАМ ТАЪМИНЛАНИШИ ВА САЙЛОВГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲАМДА «ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

(Давоми 2-бетда.)

Партиялараро баҳс

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШДА БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИАТЛАР

халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳини нега ташвишга солмаяпти?

БУ — ЛИБЕРАЛЛАР ЎЗ ВАЗИФАСИГА, ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, БУРЧИГА СОВУҚ-ҚОНЛИК БИЛАН ҚАРАЁТГАНИ, МАМЛАКАТ ТАРАҚИЁТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ИСЛОҲОТЛАРГА БЕФАРҚ МУНОСАБАТДА БЎЛАЁТГАНИНИ АНГЛАТМАЙДИМИ?

ЎзЛиДеПЧИЛАР «ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ЮТУҚЛАРИГА СОЯ СОЛАЁТГАН КАМЧИЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРГА БАРҲАМ БЕРИШ БОРАСИДА ИЗЧИЛ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚАТЪИЙ БЕЛ БОҒЛАГАНМИЗ» ҚАБИЛИДАГИ ГАПЛАРНИ ФАҚАТ ЎША ПАЙТДАГИ ВАЗИЯТДАН ЧИҚИБ КЕТИШ, ВАҚТИНЧАЛИК ОБРЎ ҚОЗОНИШ УЧУН АЙТГАНМИ? → 2

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ

ташаббуслар ўз самарасини бермоқда


АЙНИ ПАЙТДА ЎЗХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН «МАҲАЛЛА — АҲОЛИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ» ЛОЙИҲАСИНИНГ УЧИНЧИ БОСҚИЧИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Қашқадарёда шу йўналишда ўтказилган навбатдаги тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ходимлари ҳамда электрорат вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, йил бошидан буён мазкур лойиҳа доирасида вилоятдаги маҳаллаларда турли тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Хусусан, лойиҳаниннг туман босқичларида аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича маҳаллага берилган ҳуқуқ ва ваколатлар фуқароларга батафсил тушунтирилди. Электрорат вакиллари йўналтираётган муаммолар бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

→ 2

В. УСПЕНСКИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МУСИҚА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИДА, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЎҚИТУВЧИ, ТАМАРА ПОПОВИЧ (МАРХУМ) ҚЎЛИДА САБОҚ ОЛГАН БЕҲЗОД АБДУРАИМОВ БУГУНГИ КУНДА МАНА ШУНДАЙ ЮКСАК ЭЪТИРОФГА САЗОВОР БЎЛМОҚДА.



ЎЗБЕКИСТОНЛИК БЕҲЗОД АБДУРАИМОВ

→ 3

дунёнинг биринчи рақамли фортепьяночиси



ЛОНДОНДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КЕЧАСИ

ЛОНДОН, ЎЗА махсус мухбирлари Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ ва Муҳаммад АМИН (фото) хабар қилади.

XXX ЁЗГИ ОЛИМПИА УЙИНИЛАРИ ЎТАЁТГАН ЛОНДОН ШАҲРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИМПИАЧИЛАРИНИ ШАРАФЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КЕЧАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги элчихонаси кўмагида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Миллий Олимпия кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олимпия терма жамоаси аъзолари, халқаро спорт ташкилотлари, маданият, санъат, спорт жамоатчилиги ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг қадимий ва бой маданияти, урф-одатлари, буюк тарихини ўзида акс эттирган фотоқўرғазма, «Фонд Форум» таъсис қилган «Ўзбекистон» китоб-фотоальбоми меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди. Мамлакатимизнинг истеъдодли ёш санъаткорлари ижросидаги концерт ҳам тадбир иштирокчиларига манзур бўлди. — Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан халқаро спорт турига айланган ўзбек халқининг миллий

қадрияти — кураш орқали Ватанингиз тарихи, маданияти, урф-одатларидан яхши хабардорман, — деди Буюк Британия кураш ассоциацияси бош қотиби Пол Соьер. — Тадбирда намойиш этилган фотоқўрғазма орқали юртингизга сەҳнат қилгандек бўлдим. Менда Ўзбекистонга бориб, халқингиз қадриятлари билан янада яқинроқ танишиш истаги пайдо бўлди.

— Ўзбекистонлик олимпиячилар шарафига уюштирилган ушбу тадбир биз, спортчиларга жуда манзур бўлди, — дейди бокс бўйича жаҳон чемпионлари совриндори Элшод Расулов. — Бундай тадбирлар спортчиларни яхши хордиқ чикаришни таъминлаш билан бирга галабаларга илҳомлантиради.

ЎЗА

«O'zbekiston ovozi» сайтида ўқинг

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида: ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТ ТАШКИЛ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

www.uzbekistonovozi.uz

O'zbekiston ovozi



Истиқлол имкониятлари

«СЕНИ КУЙЛАЙМАН, ВАТАН!»



4-бет

САЙЛОВ ТИЗИМИГА ОИД

қонун ҳужжатлари янада такомиллашмоқда

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида дунёнинг бир қатор ривожланган демократик давлатлари тажрибалари ўрганилди. Қонун лойиҳаси юзасидан мамлакатимизнинг турли минтақаларида 50 дан зиёд семинар ва давра суҳбатлари, иккита халқаро конференция ўтказилди. Уларда 80 дан ортиқ тақлиф ва тавсиялар билдирилди, булар ишчи гуруҳи томонидан умумлаштирилди.

Лойиҳада сайлов кунини ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги, ташвиқот турлари, усуллари ва

шакллари ҳамда бошқа қатор қоидаларни такомиллаштириш назарда тутилган.

Алишер ТИЛЛАБОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

— Лойиҳада муддатидан олдин овоз беришнинг тартиб-тамоийлири ҳам белгиланмоқда. Амалдаги меъёрга биноан, сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлмаган сайловчи сайлов варақасини талаб қилиб олиш ва қарор қабул қилиб, уни ёпиқ конвертда қолдириш ҳуқуқига эга. Бироқ олдин овоз бериш муддатлари ва шакли кўзда тутилмаган. Шунга қўра, лойиҳада бу тартибда овоз бериш 10 кун олдин бошланиши ва сайлов-

га бир кун қолганда тугатилиши, ўтказиш вақти, сайловчининг аризаси талаб қилиниши белгиланади.

Лойиҳага, шунингдек, «Овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек, овоз бериш кунини жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан интернетга) жойлаштиришга йўл қўйилмайди» деган норма киритилмоқда.

Мазкур норма сайловчиларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, у ёки бу номзодга нисбатан ноҳолис,

Фракция йиғилиши

янглиш муносабат ҳамда сайловга оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олишга қаратилган.

Фракция аъзолари мазкур қонуннинг қабул қилиниши сайлов тизимини янада демократлаштириш, сайловолди ташвиқот жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитларни яратиш бериш, сайловнинг ошқоралиги ва очик-ойдинлиги принципларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлашди.

Фракция муҳокама этилган масалалар юзасидан нукта-назарини белгилаб олди.

Гулрух ОДАШБОВЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти



ФАРФОНА ШАҲРИДА МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА. ШАҲАРДА КЕНГ ҚЎЛАМЛИ ҚУРИЛИШ ВА БУНЁДҚОРЛИК ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ЎзХДП ФАРФОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ БУ ЭЗГУ ҲАРАКАТДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ МАҚСАДИДА ТУРЛИ ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИБ КЕЛАЯПТИ.

ЭЗГУ ИШЛАРГА ДАХЛДОРЛИК

Кенгашнинг тарғибот гуруҳи маҳалла фуқаролар йиғинларида «Тақдиримсан, Бахтимсан, Эркин ва Обод Ватан!» мавзусида очик мулоқот ташкил этмоқда. Унда истиқлол йилларида юртимиз қиёфаси бутунлай ўзгариб, кишиларда яратувчанликка интилиш туйғуси тобора кучайиб бораётгани ҳақида сўз юритилди. Барча ҳаракатларимиз маҳалламиз, шаҳримиз, мамлакатимизни янада ривожлантириш, дунёдаги энг обод ва гўзал гўшаларга айлантиришга қаратилгани таъкидланди.

«Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари эса ёрдамга муҳтож оилалар уйларини таъмирлаш йомушларига қўмаклашмоқда.

— Биз шаҳримиздаги бунёдкорлик ишларига ҳам ҳисса қўшишга интилаяпмиз, — дейди ёшлар қаноти фаолларидан бири Носиржон Исоқов. — Айни пайтда 30 нафар фаол ёшлар Қува-сой кўчасидаги қурилиш ишларида иштирок этмоқдамиз. Одамларга нафимиз тегаётгани, қолаверса, ободончилик ишларига ҳиссамиз қўшилаётганидан мамнунмиз.

Ҳашар халқимизга хос қадимий бу ташаббуси ёшларда ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Муҳаммадҷон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан

ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАР ҚИЗГИН МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ УЧҚЎРҒОН ТУМАН КЕНГАШИДА ЎзХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ КАТТА САЛОҲИЯТГА ЭГА. 18 НАФАР ДЕПУТАТ ЎЗ ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАРИ БИЛАН ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ИШИДА ҲАМ ФАОЛЛИК КЎРСАТМОҚДА.

Депутатлик гуруҳи туман партия кенгаши билан мустаҳкам алоқада фаолият кўрсатаётгани сабабли партия Сайловолди даврида ақс этган устувор ижтимоий масалалар халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари йиғилишлари, сессияларида қизгин муҳокама этилмоқда.

Шу йил бошидан буён, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижроси, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминланиши, спорт иншоотларининг аҳоли ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунни тарғиб этиш ва унинг ижросини таъминлаш каби қатор долзарб масалалар депутатлик гуруҳи ташаббуси билан доимий комиссиялар йиғилишларида атрофчиқа кўриб қилинди. Бу борада қилинаётган ишлар таҳлил этилиб, йўл қўйилаётган камчиликлар танқид қилинди. Уларни бартараф этиш бўйича тегишли идораларга тавсиялар берилди.

— ЎзХДП депутатлик гуруҳи томонидан халқ депутатлари туман Кенгашининг 9 январдаги 11 сессиясига она ва бола

саломадлигини муҳофаза қилиш ҳақидаги масаласи киритилди, — дейди **туман тиббиёт бирлашмаси бош враччи Муҳаббатхон Эсонбоева**. — Шу сабабли, депутатлик гуруҳига партияимизнинг дастурий мақсадларини амалга оширишда асосий куч сифатида қараймиз. Бошланғич ташкилотларимиздан тушган тақлифлар, Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти таҳлили асосида иш режаларимизга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб бораемиз. Долзарб ижтимоий масалаларни, аввало, депутатлик гуруҳининг ўзида муҳокама этаемиз, сўнг доимий комиссиялар, сессиялар кун тартибига олиб чиқиш учун тақдим этаемиз. Шу йўл орқали электротимиз маънафини ҳимоя қилишга интилаяпмиз.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ

ташаббуслар ўз самарасини бермоқда

— Ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган, ёлғиз кекса ва жисмоний имконияти чекланган кишилар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ҳамда маънавий қўмак бериш халқимизга хос фазилатлардан ҳисобланади, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Саттор Раҳматов**. — Партияимиз дастурий ҳужжатларида ҳам шу каби эзгу гоғлар ўз аксини топган. Шу боис ЎзХДП кам таъминланган оилалар, ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келаётган ёшлар, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга энг асосий, устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келмоқда.

«Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси электротартиб аниқ йўналтирилган асосда манзилли ижтимоий ҳимоя

қилиш борасидаги ҳаракатларимизни жонлантиришга яна бир туртки бўлди.

Масалан, лойиҳанинг бевоинита маҳаллаларнинг ўзида ўтказилган босқичида Қосон туманидан Шоира Нигматова фарзанди тўғма юрак хасталиги билан шифохонада ётгани, уни даволашга моддий имконияти камлиги сабаб, қўмак беришни сўраб мурожаат қилди. Партияимиз етакчилари маҳалла фаоллари, соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари билан маслаҳатлашиб, бу масалани ижобий ҳал қилди. Шу маънода мазкур лойиҳа маҳаллалар билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, электротартиб вакиллари йўналтираётган муаммоларни яна бир бор чуқур ўрганиш ва бартараф этиш, партияимиз дастурий мақсадларини амалиётга янада кенгроқ татиқ этишда қўл келмоқда.

— Лойиҳа доирасида вилоятдаги бешдан ортиқ маҳаллаларда жўд йўналишда тарғибот-ташвиқот ишлари

олиб борилди, — дейди **ЎзХДП Қашқадарь вилоят кенгаши раиси Олим Раҳманов**. — Лойиҳанинг аввалги босқичларида ижтимоий ёрдам сўраб мурожаат қилган мингдан ортиқ фуқарога ҳуқуқий маслаҳатлар, амалий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, уйда бўш ўтирган юзлаб аёлларга касаначилик, ҳунарманчилик соҳасида ўз ишини йўлга қўйиш, банкдан имтиёзли кредит бўйича керакли ҳужжатларни тайёрлашда тегишли идоралар билан биргаликда амалий ёрдам берилди. Узр ҳозирда тикувчилик, зардўзлик, гиламдўзлик, каштачилик йўналишларида фаолиятини бошлаб, нафақат ўз оиласи балки, маҳалладаги ёшлар бандлигини таъминлашмоқда.

— Маҳалламизда уч минг нафарга яқин аҳоли, 663 та оила истиқомат қилади, — дейди **Қарши шаҳридаги «Роғузар» МФЙ раиси, «Энг илгор маҳалла» номинатсияси болиби Ғайбулла Отабоев**. — Хусусан, ёшлар-

нинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида бу ерда спортнинг футбол, енгил атлетика, шахмат, миллий кураш тури бўйича тўғрақлар очилган. Хотин-қизларимиз орасида бирор хунарнинг бошини тутганлари кўп. Бундан ташқари, маҳалламизда ўз ишини бошлаш ниятида юрган, бироқ бошланғич сармоёга муҳтож кишиларга ЎзХДП кўмагида тижорат банкларидан имтиёзли кредит берилди. Шундан бўлса керак, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган оилалар сонини ортиб бормоқда. Бу эса маҳалламиз аҳолиси иш билан таъминланиши ҳамда оилалар турмуш фаровонлиги яхшиланшига хизмат қилмоқда.

— Утган йили қўллаб-қувватловчи ижтимоий масалалар, хусусан ишга жойлашиш юзасидан ёрдам сўраб мурожаат қилди, — дейди **«Янги иш ўринлари ташкил этишга энг фаол қўмаклашган маҳалла» номинатсияси болиби, «Хўжақудук» МФЙ раиси Тўлқин Бекмуродов**. — Шу боис ЎзХДПдан Қосон тумани Кенгашига сайланган депутатлар ҳамда Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда туманимиздаги мавжуд ишлаб чиқариш муассасалари, қорхона ва ташкилотлар, таълим муассасаларидаги бўш иш ўринларига фуқароларни ишга жойлаштирдик. Бундан ташқари, маҳалламизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш маркази фаолият кўрсатмоқда. Унда тажрибали мутахассислар томонидан хотин-қизларга соҳанинг ҳуқуқий асослари билан бирга чеварлик, гиламдўзлик, зардўзлик каби касб-ҳунар сирлари ўргатилмоқда.

Тадбир якунида лойиҳанинг аввалги босқичида турли номинацияларда голиб деб топилган энг яхши иштирокчиларга эсдалик совгалари ҳамда ЎзХДП вилоят кенгашининг дипломлари топширилди.

Меҳроҷ ДАРҲОНОВ

Партиялараро баҳс

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШДА БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР

халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳини нега ташвишга солмаяпти?

ЎЗБЕКИСТОНДА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. БУНИ СИЁСИЙ ҲАЁТИМИЗНИНГ ТОБОРА ЭРКИНЛАШАЁТГАНИ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА ЖАМИЯТДА МУСТАҲКАМ ЎРИН ЭГАЛЛАШИ УЧУН ЯНАДА КЕНГ ШАРОИТ ЯРАТИЛИБ, ДАСТУРЛАРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ТАКОМИЛЛАШИБ БОРАЁТГАНИДА ҲАМ АҲҚОЛ КЎРИШ МУМКИН.

Шу ўринда савол туғилади. Хўш мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ҳамма сиёсий партиялар ҳам бундай имкониятдан самарали фойдаланаяптими? Бугун партияларнинг худудий ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари электротартиб ўйлантриётган масалаларга ечим топиш ва худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишда қандай ташаббусларни илгари сурмоқда?

Депутатлар аҳоли турмуш фаровонлигига қай бир амалий ишлари, ҳаётий тақлифлари билан ҳисса қўшмаяпти? Афсуски, бу саволларга тўла маънода ижобий жавоб олиш қийин. Негаки, хали-ҳамон маъсулиятни чуқур ҳис қилмайдиган, электротартиб ташвишга лоқайдлик билан қараётган депутатлар учраб турибди.

Биргина Сурхондарь вилоятининг Музработ туманини олайлик. Тўғриси айтиш керак, худудда ҳал этилиши зарур бўлган камчиликлар йўқ эмас. Хусусан, тадбиркорлик ривожини, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва саноатни ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш орқали тайёр маҳсулот ҳажминини ошириш борасида қатор муаммолар бор.

Мисол учун жорий йилнинг ўтган олти ойида туманда кўпгина соҳалар бўйича яхши натижалар қўлга

киритилган бўлса-да, айрим мутаассадди қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятсизлиги, ишга ўзибўларчилик кайфиятида ёндашгани сабабли саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилмай қолди.

Бундан ташқари, баъзи объектив ва субъектив муаммолар сабаб айрим қорхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига йўл қўйилди. Шуларнинг натижасида туманда иқтисодиёт кўрсаткичлари янада юқори бўлишини таъминлаш имкониятлари бой берилди.

Бу муаммолар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишнинг муҳим омили, деб ҳисоблайдиган ЎзЛиДеП вакиллари ни нега безовта қилмаяпти? Ахир ЎзЛиДеП Сайловолди дастурида тадбиркорлик тузилмаларининг мавжуд захираларидан фойдаланишни рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш асосида маҳсулот таннархини арзонлаштириш ҳамда сифатини яхшилаш, экспорт салоҳиятини ўстириш, янги иш ўринлари яратиш бўйича ташаббус кўрсатиш белгилаб қўйилган эди-ку?

Афсуски, сайловдан кейинги вақт давомида ЎзЛиДеПнинг халқ депутатлари Музработ туман Кенгашидаги 4 нафар аъзодан иборат депу-

татлик гуруҳи сессияларга тадбиркорлик ривожига йўналтирилган ва соҳа тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган бирор тақлиф билан чиқмади.

Бу — либераллар ўз вазифасига, таъбир жоиз бўлса, бурчига совоқонлик билан қараётгани, мамлакат тараққиётини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган ислохотларга бефарқ муносабатда бўлаётганини аниқлаётганими? Ёки ЎзЛиДеПчилар «тадбиркорлар ва ишбилармонлар ютуқларига соя солаётган камчиликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш борасида изчил ишларни амалга оширишга қатъий бел боғланганими?» қабилдаги гапларни фақат ўша пайтдаги вазиятдан чиқиб кетиш, вақтинчалик обрў қозониш учун айтганими?

Бундан ташқари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган 3 нафар ва «Адолат» СДПнинг 1 нафар депутати ҳам туман Кенгаши сессияларига бирорта масала кiritилмаган. Наҳотки электротартиб ўйлантриётган муаммолар бу партиялар депутатларини заррача бўлса-да ташвишга солмаяпти? Ахир туман аҳоли умид ва ишонч билан оғир овоз беришган-ку?!

Бу борада туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида партия депутатлик гуруҳи томонидан туман Кенгаши сессияси муҳокамасига бевоинита электротартиб маънафини келиб чиқадиган 2 та масала киритилди.

«Туманда кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг ҳуқуқий муҳофазаси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги масала сессияда батафсил муҳокама этилганидан сўнг тегишли қарор қабул қилинди. Унда худудда бу борадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар тадбирлар ишлаб чиқиш, бунда иж-

Гулрух САЙФИДДИНОВА

ЎЗБЕКИСТОНЛИК БЕҲЗОД АБДУРАИМОВ

дунёнинг биринчи рақамли фортепьяночиси



2009 йилда Лондонда жаҳоннинг энг кўзга кўринган фортепьяно усталари қатнашган халқаро танловда ғолиб бўлган Беҳзод ўзининг бу ғалабаси тасодиф эмаслигини амалда исботлади.

Ушанда англиялик ёзувчи, журналист Майкл Риммер у ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган эди:

— Беҳзод факуллода истеъдодли. Унинг келажаги порлоқ. Муסיқачининг Лондондаги улкан ютуғи меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлигидандир. Беҳзодда мақсадга эришишнинг икки муҳим қирраси мужассам: бу — интизом ва қатъият. Танловда Беҳзод дастурининг биринчи бўлимини ижро этиб бўлганидаёқ томошабинлар унинг ажойиб ижросидан ҳайратга тушди. Ушандаёқ кўпчилик унинг танловда ғолиб бўлиши имконияти жуда юқори эканлигини эътироф этди. Яқин келажакка назар ташлаган лондонлик классик муסיқа муҳлислари Ўзбекистонлик пианиночиларнинг яна кўпдан-кўп ғалабалари шохиди бўлишга умид билдиришмоқда...

Беҳзод Абдураимов бир неча бор дунёнинг Япония, Италия (2001, 2003), Хитой (2002), АҚШ (2006) ва яна бошқа кўплад давлатларида ўтказилган халқаро танловлар ғолиби, лицей ўқувчилари ўртасида илк Президент стипендияси соҳиби, 2005 йил

(Давоми. Боши 1-бетда.)

да «Келажак овози», 2008 йилда пианиночиларнинг халқаро «Корпус Крест» ва «Леннокс» танловлари мутлақ ғолиблигини кўлга киритган. «Нихол» мукофоти совриндориди...

Истеъдодли муסיқачи айна пайтда АҚШнинг Канзас шаҳридаги Парк халқаро муסיқа университетида ўқимокда.

Шу кунгача Беҳзод Абдураимов жаҳоннинг кўплад мамлакатларида ўзининг концерт дастурларини намойиш этди. Интернет маълумотларига кўра унинг 2013 йилга мўлжалланган концерт дастурлари режаси аллақачон тасдиқланган.

Яқинда Беҳзод Абдураимов Сингапурнинг энг катта саройларидан бири ҳисобланган «Эспланада»да Сингапур симфоник оркестри билан биргаликда ўзининг навбатдаги концерт дастурини намойиш этди.

Бугун жаҳон матбуотида, интернет сайтларида Беҳзод Абдураимов ҳақида кўплад мақолалар берилмоқда. Шу ўринда уларнинг баъзи бирларини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

«The Times», (Буюк Британия):

— Беҳзод Абдураимов ҳаммага таниқли бўлган муסיқа устаси. Унинг фортепьянода ижро этадиган куйлари барчага бирдек ёқади. У баланд нотадаги куйларни маромига етказиб ижро эта

олади. Беҳзоднинг маҳорат билан фортепьяно чалишини кўриб, талант ва меҳнат эвазига шу даражага етганига ишонасиз.

«South China Morning Post», (Хитой):

— Икки йил олдин Лондон матбуоти Беҳзод Абдураимовни афсонавий Владимир Хоровиц билан тенглаштира бошлади. Абдураимов ижросидаги Liszt/Horowitz Saint-Saens' Danse Macabre куйи кўпчиликка маъқул келди. Бу ерда динамика тажрибага таянган ҳолда бошқарилгани алоҳида таъкидлаш зарур.

«Time Out Hong Kong», (Гонгконг):

— Абдураимов тасаввур қилиш қийин бўлган кучни намойиш этапти. Яъни унда чарчоқ аломатлари кўринмайди. Liszt's Mephisto вальси унинг ижросида, айниқса, ўзгача кўриниш касб этади. Ҳаммани унинг Гонгконгдаги дебютига гувоҳ бўлишга тақдир этгани!

«The West Australian», (Австралия):

— Беҳзод бор-йўғи 22 ёшга кирди. Аммо у ўтган давр мобайнида кўплад кўзга кўринадиган ютуқларга эришди. Унга ҳақиқий баҳони томошабинлар беришди. Концерт тугаганидан кейин қарсақлар анча вақтгача тинмади.

«The Kansas City Star», (АҚШ):

— Беҳзод шубҳасиз муסיқа санъатининг чўққисига чиқиб бормоқ

да. Унинг ўз ишига ҳиссиёт билан ёндашиши кишида завқ уйғотади.

«Ottawa Citizen», (Канада):
— Беҳзоднинг чиқиши жуда ҳам ажойиб бўлди! Унда ҳеч кимга ўшашмаган муסיқий техника бор. Ва буларнинг ҳаммасини замирида катта меҳнат ётганини таъкидлаш зарур. Бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман: бу ҳали бошланиши!

«The Independent», (Буюк Британия):

— Ўзбекистонлик бу йигитнинг санъаткорлик маҳорати ажойиб кўринишда. Бу эса ўзини тинглаётган одамларнинг диққатини фақат муסיқага қаратишга ундайди. Беҳзод Абдураимов ўзини тинглаётган аудитория билан ҳаммадан яхши ишлайди. Ҳамма у ҳақда «иккинчи Хоровиц бўла оладими?» деб гапиряпти. Унда бунинг учун зарур бўлган ҳамма жиҳатлар мавжуд.

Ким КЛЕЙТОН, «The Barefoot Review», (Австралия):

— Унинг исми Беҳзод Абдураимов, ёши 22 да. Ўзбекистонлик. Бу йигит фортепьяно чалади. Беҳзоднинг концертлари жуда ҳам юқори савияда ташкил этилган. Унинг ижросидаги куйлар гўё аудиторияни сеҳрлаб қўймоқда.

Жин МУР, braknellnews.co.uk (Буюк Британия):

— Ўзбекистонлик Беҳзод Абдураимовга биринчи марта нигоҳ ташлаган одам «ёш бола-ку» деган тасаввурга бориши тайин. Аммо унинг ижросидаги куйларни тинглай бошлаганда дастлаб ичида ёш фортепьяночига тан бера бошлайди. Сўнгра қарсақлари ёрдамида қалбидаги ҳиссиётларни ташқарига чиқаради.

Уайттингтон, «The Advertiser Adelaide», (Австралия):

— Беҳзод Абдураимов анча пайтдан бери жаҳон муסיқасининг энг нодир дурдоналарини маҳорат билан ижро этиб келяп

ти. У жуда ёш пайтидаёқ бу ишни уйдалаган. Сира шубҳаланмайман, Абдураимов кучли пианиночи. Ўз ишини маҳорат бажаради. Биз уни мароқ билан тинглаймиз. Ва ишонимизки бу ёш пианиночи ҳали бундан ҳам баланд чўққиларни забт этади.

Майкл ЧУРЧ, «The Independent», (Буюк Британия):

— Бу йигитда Худо томонидан берилган истеъдод бор. У 19 ёшида Лондондаги халқаро танловда ғолиб бўлганидаёқ ўзини қандай келажак кутиб турганини кўрсатиб берганди. Бошида унинг бу ғалабасини тасодиф сифатида қарши олганлар ҳам бўлди. Аммо Беҳзод кейинги ҳаракатлари билан ўзининг бу эътирофга лойиқ эканлигини исботлади. У омадли йигит. Лекин унинг муваффақиятларини фақат омад билан боғлаб бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси тинимсиз меҳнат натижасида кўлга киритилган.

Ванесса КЕЙС, «The Telegraph Australia», (Австралия):

— Томошабинлар анча пайтгача бу 22 ёшли ўзбек йигитини эслаб қолишига ишонаман. У саҳнага чиққанида ўзига ишонини яққол кўришиб туради. Фортепьяно чалиш жараёнида ўзининг энгил техникасини намойиш этади.

musicweb-international.com:
«Бўлиши мумкин эмас, наҳотки!» Беҳзод Абдураимовнинг куйларини илк бор тинглаганимда фақат шу сўзларни айта олдим холос. Фортепьянода Чайковскийнинг асарларини шунақа кучли маҳорат билан ижро этдики, тан бермай илож йўқ. Ишонинг, илгари бунақасини кўрмаганман!

Клив О'КОННЕЛЛ, «Brisbane Times», (Австралия):

— Ташқенда туғилган ёш пианиночи ўта кучли техникага эга. У ижро этган куйлар хотирадан бир умрга ўчмайди. Беҳзоднинг келажаги порлоқ...

Қалбларни тўлқинлантириб юборадиган бу эътирофлар нафақат Беҳзод Абдураимовга, балки унинг Ватани Ўзбекистонга ва у мансуб бўлган Ўзбекистон халқига тегишлидир.


Бутун халқимиз истиқлол кашф этган, бугун эса дунёни забт этиб, жаҳонни муסיқа билан уйғотаётган, ҳайратлантираётган Беҳзод Абдураимов билан ҳақли равишда фахрланади.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Реклама ўрнида

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ: СИФАТ ВА ХАВФСИЗЛИК

МАМЛАКАТИМИЗ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТЎЛДИРИШ КЎП ЖИҲАТДАН ХОМАШЁ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ТЕХНИК, ТЕХНОЛОГИК ҲАМДА САНИТАРИЯ ДАРАЖАСИГА, ШУНИНГДЕК, БОЗОРДАГИ МУНТАЗАМ НАЗОРАТГА БОҒЛИҚ.



Бу эса энг аввало, маҳсулотларни сертификатлаш ва стандартлаш даражасини ошириш, корхоналарни замонавий лабораториялар билан жиҳозлаш, озиқ-овқатларни истеъмолчига етказиб беришнинг барча босқичларида — хомашёни қайта ишлаш, транспортда жўнатиш, аҳолига сотишгача бўлган вақт давомида сақлаш қоидаларига қатъий риоя этишни талаб қилади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаш ва стандартлаш, энг аввало, инсон саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлайди.

Ҳозирги пайтда юртимизда сертификатлаш учун халқаро стандартлардан ташқари мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари томонидан тақдим этилаётган техник шартлар қўлланилмоқда. Бироқ улар халқаро стандартлар ФАО/ВОЗ (Алиментарий кодекс) билан уйғунлашмаган. Бу — маҳсулотларнинг халқаро бозорда рақобатбардошлигини оширишга тўқтинлик қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Шу боис республикамизда халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган меъёрий базани ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан

амалдаги стандартларни қайта кўриб чиқиш, жумладан, бир хил маҳсулотларнинг йириклаштирилган гуруҳларига хавфсизлик давлат стандартларининг жорий этиш ва улар етказиб берувчилар учун мажбурий бўлишини таъминлаш зарур.

Бундан ташқари, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида стандартларда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари маркировкаси талабларига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Бу — бежиз эмас. Сабаби ушбу халқаро стандартлар ва Алиментарий кодекс методик қўлланмаларида қадокланган озиқ-овқатларнинг маркировкасига умумий стандарт (CODEX STAN-1985

(Rev. 1-1991), озиқ-овқат қўшимчаларини сотишда маркировка қилинадиган умумий стандарт (CODEX STAN — 107-1981), маҳсул оватларнинг учун қадокланган озиқ-овқатларнинг хусусиятларини баён этиш ва маркировка қилиш учун умумий стандарт (CODEX STAN 146-1985), маҳсулотлар хусусиятлари тўғрисидаги баённомаларга умумий методик қўлланма (CAC/GL 1-1979, Rev. 1-1991) нафақат маҳсулот сифати, балки хомашё, озиқ-овқат қўшимчалари, маркировка ва хавфсизлик масаласига нисбатан алоҳида талаблар белгиланган. Мазкур талаблар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ички бозорда сохталаштиришдан ҳимоя қилади ва унинг рақобатбардошлигини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат сифатини ошириш соҳада узоқ муддатли дастурлар чорасини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунинг учун эса бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида маҳсулотлар бозорини кенгайтириш, сифатини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш, бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш жуда муҳим.

Шаҳноза ЖУМАНАЗАРОВА,
«Ўзвиробост» холдинг компанияси қошидаги
Марказий назорат лабораторияси масъул ходими.




Хориж

СУВГА ЗОР МАМЛАКАТДА

сув манбаси бисёр экан

Бир вақтлар олимлар Нил дарёси остида, аниқроғи, бир неча метр ер тубида оқар сув манбаини топишганди. Унинг суви Нил дарёсидан бир неча марта кўп бўлиб, дарё йўналиши бўйлаб оқиши таъкидланган.



Энди эса немис олимлари сувга зор мамлакат бўлмиш Намибияда ер ости ичимлик суви борлигини аниқлашди.

Маълумотларга қараганда, чуқурлиги икки юз метрга тенг ушбу манбада беш миллиард куб метр сув мавжуд экан. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу сув манбаси намибияликлар учун тўрт юз йилга етади.

Таъкидот раҳбари Мартин Куингернинг айтишича, мазкур топилма жойлашган майдон 2600 квадрат километрга тенг.

ҲАМ ЎРИНДИҚ, ҲАМ ЁРИТГИЧ, ҲАМ...

вазифаларини бажаради

Инновацион ғоялар, техника, технология ривожлангани сари инсоният янада кўп қулайликларга эга бўлиб, турмуш тарзи энгиллашиб бормоқда.



АҚШда «Soft rocker» ўриндиқларини ихтиро қилишдан мақсад ҳам кишилик жамиятга кенг қулайликлар яратишдир.

Гап шундаки, ушбу ўриндиқларда ястаниб ўтириб, нафақат чарчоқни ёзиш, балки мобил телефон, ноутбук ёки планшетни қувват олдириш мумкин. Чунки ўзига хос дизайнда яратилган бундай ўриндиқлар кўёш нурларини йиғувчи панеллар билан қопланган. Мазкур 35 ваттлик кўёш панеллари энергия йиғади. Ўриндиқнинг яна бир яхши жиҳати шуки, мослама тунда ёритгич вазифасини ҳам бажаради.

Маълумотларга кўра, бундай замонавий ўриндиқлар АҚШнинг барча боғ ва сайилгоҳларига ўрнатилди.

МУАММОДАН ҚУТУЛИШНИНГ ЧОРАСИ

иккинчи муаммони келтириб чиқарди

Франция пойтахти Парижнинг жамоат жойларида сигарет чекиш тақиқланганига ҳам анча бўлди. Бу чеклов инсонлар саломатлиги учун ижобий роль ўйнаганини инкор этиш қийин. Аммо у иккинчи муаммони келтириб чиқарганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Эндилда ҳаёт муаммолари олдига кўчаларни чекилган сигарет қолдиқларидан тозалаш муаммоси кўндаланг бўлмоқда.

«Мир новостей» газетасида ёзишларича, айни пайтда Франциянинг фақат кўчаларидагина сигарет чекиш мумкин. Бошқа жамоат жойларида эса чекиш қатъиян тақиқланади. Шу боис ҳам кўчалардан кунига тонна-тонналар чекилган сигарет қолдиқлари супуриб-сидириб олинмоқда. Ваҳоланки, кўчани ифлослантиригани учун ҳам маъмурий жазо белгиланган, яъни кимки кўчага ахлат ташласа 35 евро миқдорида жарима жазосига тортилади.

ОЛИМПИАДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАГА КИРДИ

БУГУН БУТУН ДУНЁ СПОРТ МУХЛИСЛАРИНИНГ НИГОҲИ ЛОНДОНГА ҚАРАТИЛГАН. БУ ЕРДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН ХХХ ЁЗГИ ОЛИМПИАДА УЙИНЛАРИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАГА КИРДИ.

Бокс бўйича ўтказилаётган бахсларда аста-секин голиблик асосий даъвогарлар номига ойдинлик киритилмоқда. Ҳамюртимиз Фазлидин Гойибназаров (60 кг)-нинг чорак финалга йўлланма олганлигини маълум қилгандик. Ярим финал йўлланмаси учун ўтган жангда у Хан Сул чул (Жанубий Корея)га қарши рингга кўтарилди. Деярли тенг курашлар остида кечган мазкур учрашувда вакилимиз рақибига кичик фарқ билан ютказиб қўйди.

Икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев (75 кг) эса ўзининг галабали юришини давом эттирди. Чорак финал баҳси олдидан аксарият мухлислар боксчимизнинг муваффақиятига ишонимли бўлган. Чунки Аббос бундан

икки йил муқаддам Гуанчжоу (Хитой)да ўтказилган Осиё ўйинлари финалида ҳиндистонлик Вижендерга 0:7 ҳисобида имкониятни бой берганди. Мазкур мағлубиятдан тўғри хулоса чиқарган спортчимиз бу сафар рингда беҳато ва жуда хуш-ҳаракат қилди. Натижада Аббос Атоев Вижендердан 17:13 ҳисобида устун келиб, ярим финалга чиқди. Агар бокс мусобақаларида ярим финалчиларнинг камида бронза медал билан тақдирланишини назарда тутсак, ҳамюртимизнинг бу галабаси нечоғли қimmatга эгаллиги ойдинлашади.

Яна бир «чарм қўлқоп» устаси, жаҳон чемпиони совриндори Жасурбек Латипов (52 кг)дан ҳам мухлисларимиз медалга кутишяётганди.



Аммо у чорак финалда мўғлистонлик боксчидан ўта олмади.

Кеча эса яна икки нафар боксчимиз чорак финалда ўз омадини синовдан ўтказди.

Жумладан, унда Уктамжон Раҳмонов (64 кг) кубалик Рониэль Иглесиасга, терма жамоа сардори Элшод

Расулов (81 кг) эса россиялик Егор Михонцевга қарши жанг олиб борди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Лондон олимпиада-си дастуридан жой олган оғир атлетика бахслари ҳамюртимизнинг учун ўзига хос тажриба ва маҳорат мактаби ва-зифасини ўтаб берди. Му-

собақаларнинг охири кунда бир йўла икки оғир атлетикачимиз майдонга чиқди. Унда вакилларимиздан дастлаб Иван Ефремов (105 кг) иштирок этди. Оғир атлетикачимиз даст ва силтаб кўтариш беллашувларида бешинчи (401 кг) натижа билан кифояланди. Жаҳон чемпионати совриндори Руслан Нуриддинов (105 кг) оулишлар қаторидан жой олишга жуда яқин турганди. Аммо якунда у иккикураш бахсларида 404 (184+220) кг натижа қайд этиб, тўртинчи погонани банд этди.

Кеча каноэда эшак эшиш бўйича финал мусобақалари бўлиб ўтди. Унда икки карра жаҳон чемпиони Вадим Менсков 1000 метрга эшак эшиш бахсларида медаллар учун кураш олиб борди. Афсуски, моҳир спортчимизнинг бу бахсларда совриндорлар қаторига кириши учун саноқчи сониялар етмади. Якунда Вадим Себастиан Брендал (Германия), Давид Фигуэроа (Испания) ҳамда Марк Олдершав (Канада)лардан кейин маррага

тўртинчи бўлиб етиб келди. Ҳамюртимиз бундан тўрт йил муқаддам ўтказилган Пекин олимпиадасида ҳам худди шу кўрсаткични қайд қилганди.

Агар Лондон олимпиадаси 12 августга қадар давом этишини ҳисобга олсак, айрим спорт турлари бўйича Ўзбекистон спортчилари ҳали майдонга тушишгани йўқ. Жумладан, эркин кураш ҳамда таэквондо (WTF) бахслари эртага бошланади. Ишонимли, қолган беллашувларда спортчиларимиз ўзларининг муносиб иштироклари билан халқимизни хурсанд қиладилар.

ХХХ ёзги Олимпияда ўйинларининг ортда қолган ўн бир кунда энг кўп медални умумжамоа ҳисобида хитойликлар қўлга киритишган. Уларнинг ҳисобида жами 73 (34 олтин, 21 кумуш, 18 бронза) та медал бор. Кейинги ўринларни эса АҚШ (30-19-21) ҳамда Буюк Британия (22-13-13) спортчилари эгаллаб турибди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.



Оила ҳақидаги ҳикматлар

Отамиз оиланинг узоғини яқин ва йўғини бор қилиш учун доимий ҳаракатда бўлади. У бизнинг яшашимиз учун уй-жой ҳозирлайди. Кийдириш учун кийим-кечак топади. Ичишимиз ва ейишимиз учун овқат топиш пайида бўлади. Боринги, ҳар бир оиланинг равнақи учун биринчи галда ҳаракат қиладиган киши отадир.

Болалар! Ота-боболаримиз биз учун тер тўкиб ҳаракат қилишини, қўлидан келган барча яхшиликларни биз учун муҳайё этиш йўлида жон-жаҳд билан меҳнат қилаётганликларини билишимиз, бунинг шукронаси учун уларга итоат қилишимиз, айтганларини қўлоқ қоқмай бажаришимиз, отамиз чарчаган онда ва ёрдам зарур бўлган пайтда дарҳол кўмакка шошилишимиз, фарзандлик бурчини ўташ учун ҳамisha шай туртишимиз керак.

Ҳар бир фарзанднинг ота-онага ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиши ва уларга нисбатан меҳрибонлик ва ҳимматларини ишга солиши муҳим вазифаларидан биридир. Ўз ота-онани рози қилмайдиган, уларни ранжитмайдиган фарзандларнинг иши ҳеч қачон олға босмайди ва элнинг олдида обрўйи бўлмайди.

«ҲИКМАТЛАР» китобидан

Истиқлол имкониятлари

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛГАН ШОИРА ҚИЗЛАРНИНГ ИЖОДИНИ ТАРҒИБ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ АДАБИЁТ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ МАҚСАДИДА «СЕНИ КУЙЛАЙМАН, ВАТАН!» МАВЗУИДА МУШОИРА БЎЛИБ ЎТДИ.

«СЕНИ КУЙЛАЙМАН, ВАТАН!»



Мазкур тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил қилинди. Унда ижодий ташкилотлар, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Республика касаба уюшмалари федерацияси мутасаддилари қатнашди.

Дунёнинг бирор мамлакатда юртимиздагидек ёшларни қўллаб-қувватлашга, уларни рағбатлантиришга бу даражада эътибор қаратилаётгани йўқ, бундай мамлакат жаҳонда борлигини ҳам билмаймиз, — деди **Ўзбекистон Қажрамони, Халқ шоири Абдулла ОРИПОВ**. — Бугун Ватанимиз юксак мукофотига сазовор бўлган қизларнинг кейинги ижоди ва фаолияти қандай кечаётганини билиш мақсадида тўпландик.

— Зулфияхоним ўзининг бой адабий мероси, фаол жамоат

арбоби сифатида ўзбек аёлларининг салоҳияти нақадар юксак эканини кўрсатиб берган, — деди **Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Эльмира Боситхонова**. — У латиф ижоди билан миллионлаб кишиларга эзгулик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берди. Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридега эъзоли шоирамизнинг инсоний фазилатларини бугунги авлодга ибрат сифатида кўрсатиб, маънавий жасорат соҳибаси сифатида улуғлаган. 1999 йилда у кишининг номи билан аталадиган давлат мукофоти таъсис этилган бўлса, ўтган йилларда 182 нафар иқтидорли қизлар, шу жумладан, 42 нафари адабиёт йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб кўрилди.

— Ушбу олий мукофотга сазовор бўлганимнинг ўзи катта

бахт, — деди **Фарғоналик Дилнавоз Қўлдошева**. — Зулфияхонимнинг ҳаёт йўли, ижоди ва айниқса, шарқ аёлларига хос маънавий дунёси биз учун ҳамisha ибратдир. Президентимиз ташаббуси билан Ёзувчилар уюшмаси фонд томонидан чоп этилди. Бизга яратилаётган бундай имкониятлар масъулиятини ҳис этган ҳолда келажақда юксак унвонга муносиб бўлишга ва ижод қилишга бор иқтидоримни сафарбар этаман.

Тадбир якунида ҳомий ташкилотлар шоира қизларга эсдалик совғаларини топширди. Шунингдек, дуторчи қизлар ансамбли ижросидаги куй ва қўшиқлар тадбирга файз бағишлади.

Альбина ЖУМАНОВА

Футбол

ФИФА РЕЙТИНГИДА ИККИ ПОГОНА ЮҚОРИГА



ФИФА ДУНЁ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИНИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Унга кўра, сўнгги тасниф эълон қилинган кундан ҳозирга қадар биророрта ҳам ўйинда иштирок этмаган Ўзбекистон миллий терма жамоаси икки поғона юқорилади.

Айни пайтда ФИФА рейтингда 63-ўридан жой олган вакилларимиз Осиё миқёсида бешинчи кўрсаткични қайд этишган. Ўзбекистондан олдинда Япония (22), Австралия (24), Жанубий Корея (29) ва Эрон (48) мамлакатлари бормоқда. Футболчиларимиздан кейинги ўринларни қитъадошларимиздан Хитой (69), Иордания (83), Ироқ (84), КХДР (91), Уммон (92) эгаллаб турибди.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ
ФАОЛИЯТИМИЗ МЭЗОНИ!



Омонатингизни бизга ишонинг



Агробанк омонатлари қулай, ишончли ва манфаатлидир!

Омонатга бўш пул маблағларингизни Агробанкнинг исталган филиалига қўйишингиз мумкин. Омонатлар бўйича ҳисобланган фойзли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилмайди. Агробанк омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сирли ҳисобланади. Қўшимча маълумот учун 150 53 65, 150 53 32 телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.
www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiiddin
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Ko'chibot — 233-72-83, 233-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846

10525

nusxada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

t — Tjorat materiallari

O'za yakuni — 20.50

Topshirilgan vaqti — 01.20

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7633



1 2 3 4 5